

# МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАВЗУСИНИ ЁРИТИШДА ДИСКУРСИВ СТРАТЕГИЯЛАР ВА УНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ТАЪСИРИ

**Ортиқхўжа НОРОВ**

таянч докторант

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: [oin.uzb@gmail.com](mailto:oin.uzb@gmail.com)

## **Аннотация**

Мақолада меҳнат миграцияси мавзусининг Россия ва Ўзбекистон Интернет ОАВда ёритилиши, қўлланилаётган дискурсив стратегиялар ҳамда уларнинг жамоатчилик фикрига таъсири таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** меҳнат миграцияси, медиа дискурс, фрейминг, жамоатчилик фикри, меҳнат мигранти образи, онлайн ОАВ, тоналлик, дискурсив стратегия.

# ДИСКУРСИВНЫЕ СТРАТЕГИИ ОСВЕЩЕНИЯ ТЕМЫ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ОБЩЕСТВЕННОЕ МНЕНИЕ

**Ортиқхўжа НОРОВ**

базовый докторант

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

e-mail: [oin.uzb@gmail.com](mailto:oin.uzb@gmail.com)

## **Аннотация**

В статье анализируются особенности освещения темы трудовой миграции в интернет-СМИ России и Узбекистана, применяемые дискурсивные стратегии, а также их влияние на общественное мнение.

**Ключевые слова:** трудовая миграция, медиадискурс, фрейминг, общественное мнение, образ трудового мигранта, онлайн-СМИ, тональность, дискурсивная стратегия.

Меҳнат миграцияси ҳақидаги медиа дискурс фақат ахборот етказиш вазифасини бажармайди, у аудиторияда меҳнат мигранти шахси, унинг ҳуқуқий мақоми, меҳнат бозоридаги ўрни ва қабул қилувчи жамият учун ижтимоий аҳамияти ҳақида муайян тасаввурларни шакллантиради. Шу маънода, ОАВда танланадиган фреймлар, сарлавҳа ва манбалар, экспертларга бериладиган минбар ҳамда қўлланиладиган лексик бирликлар меҳнат мигрантлари образининг ижобий, салбий ёки бетараф кўринишда мустаҳкамланишига таъсир кўрсатади.

Агар иш берувчи давлатлар медиасида меҳнат мигрантлари “беғоналар”, “хавф манбаи” ёки “тартиббузарлар” сифатида талқин этилса, жамоатчилик

онгида уларга нисбатан ишончсизлик ва салбий муносабат кучаяди. Аксинча, меҳнат мигрантлари меҳнат бозоридаги эҳтиёжни қондирувчи, иқтисодий жараёнларда иштирок этувчи ва трансмиллий ижтимоий алоқаларни таъминловчи субъект сифатида тасвирланса, аудиторияда уларга нисбатан ижобий ёки камида бетараф муносабат шаклланиши мумкин.

Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари учун асосий ташқи меҳнат бозорларидан бири бўлиб қолаётган Россия ахборот маконида миграция мавзуси сўнги йилларда кўпроқ хавфсизлик, қонунбузарлик ва “ўзимизникилар – бегоналар” қарама-қаршилиги доирасида ёритилаётганини кўрсатади. Бундай ёндашув меҳнат мигрантлари ҳақидаги ахборотнинг фақат фактологик эмас, балки баҳоловчи ва таъсир ўтказувчи хусусиятга эга эканини тасдиқлайди.

“РИА Новости”да (2020–2024 йиллар) ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ҳақида эълон қилинган материаллар таҳлили шуни кўрсатадики [13], жами 169 та материалдан 56,8 фоизи (96 таси) ижобий, 29,5 фоизи (50 таси) салбий ва 13,6 фоизи (23 таси) бетараф нуқтаи назардан ёритилган. Бу медиа хабардорликнинг турли даражаларини акс эттириб, жамоатчилик фикрининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилади.

“ТАСС” ахборот агентлигида 2018 йилда эълон қилинган Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўровномаси натижаларида келтирилишича [1], охириги беш йилда меҳнат мигрантларига нисбатан россияликларнинг муносабати сезиларли даражада яхши томонга ўзгаргани қайд этилган. Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 48 фоизи улар малака талаб этилмайдиган ва кам ҳақ тўланадиган жойларда ишчи кучи етишмоқчилигини тўлдириётганини билдирган. Аммо ўзбекистонликлар бу рўйхатда нисбатан пастки ўринни эгаллаган (14 фоиз).

2024 йилда мазкур ҳолат янада ижобий томонга ўзгаради. “Российская газета”нинг Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сўровномасига таяниб ёзишича [2], россияликларнинг 81 фоизи бошқа

мамлакатлардан келган меҳнат мигрантларига нисбатан салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирмайди.

Ушбу тенденция, айниқса, Россия каби мамлакатларда миграция сиёсати ва меҳнат бозоридаги муҳитни тушуниш, шунингдек, медиа фреймлар орқали миграция масаласининг ижтимоий қабул қилиниши жараёнини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Одатда ОАВдаги материал сарлавҳаси ушбу материал асосий мазмунини акс эттиради. Шу нуқтаи назардан фақат сарлавҳалардаги калит сўзларни таҳлил қилиб ҳам материаллар оҳанги ҳақида дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин.

Россия ОАВда эълон қилинаётган материаллар сарлавҳаларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда “трудоу” (“меҳнат”), “нелегальный” (“нолегал”), “незаконный” (“ноқонуний”, “население” (“аҳоли”) сўзлари энг кўп қўлланилади. Бу меҳнат мигрантларининг Россияда бўлиш қоидаларини потенциал бузувчи сифатидаги имижини яратишга ёрдам беради. Меҳнат мигрантларининг озгина қисми шундай бўлиши мумкинлигига қарамай, омма эътиборини ушбу жиҳатга қаратиш салбий стереотипларни келтириб чиқаради ва ксенофобияни кучайтиради.

Медиа эксперт Рустам Гуловнинг “Миграция глазами русскоязычных медиа: ужесточение негативной риторики про “чужих” [3] мақоласида қайд этилишича, барча материалларни сарлавҳалар бўйича тақсимлаш рус тилидаги ОАВни қайси мавзуларга қизиқтирганини ва улар ўз аудиториясига нимани етказмоқчи эканлигини яхшироқ тушуниш имконини беради. Сарлавҳаси таҳлил қилинган 2022–2023 йилларда эълон қилинган материаллар кўпроқ миграция назорати ва давлат сиёсати, миграциянинг демография ва миллий хавфсизликка таъсири мавзуларига бағишланган. Шунингдек, меҳнат миграцияси ва ноқонуний миграцияни ташкил этиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган.

Россия ОАВда 2022 ва 2023 йилларда меҳнат миграциясига бағишлаб эълон қилинган материаллар сарлавҳаси бўйича таҳлиллар шуни кўрсатадики,

ушбу масалани ёритишда “Ўзимизникилар” ва “бегоналар”нинг қарама-қаршилигига урғу берган ҳолда салбий ёндашув устунлик қилиши кўзга ташланади. Агар 2022 йилда асосий эътибор меҳнат мигрантлари ўртасида ноқонуний миграция ва жиноятчиликка қарши курашга қаратилган бўлса, 2023 йилдаги материалларда миграция оқими Россиянинг маданияти ва ижтимоий барқарорлигига таҳдид сифатида ёритилган.

Медиада эълон қилинаётган материалларда меҳнат мигрантлари шахсини қадрсизлантирувчи, аудитория эътиборини уларнинг жиноятлари ва ҳуқуқбузарликларига ҳамда эҳтимолий таҳдидларига қаратувчи турли усуллардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади. Масалан, “ҳибсга олинганлар”, “мигрантлар ови”, “ишчи кучининг кўпайиши”, “нолегаллар”, “ноқонуний миграция”, “ўзларига эрк берганлар”, “ўз қоидаларини ўрнатмоқда”, “портлашини кутаётган бомба”, “катта таҳдид”, “ижтимоий кескинлик”, “мигрантлар қўлга олинди”, “таҳдид”, “хавф”, “беқарорлик” каби сўз ва ибораларни кўриш мумкин. Бундан ташқари, 2022 йилдан 2023 йилгача ушбу сўз ва иборалардан фойдаланиш даражаси сезиларли даражада ошган.

Шу ўринда “Kun.uz” нашрида (2023–2025 йиллар) эълон қилинган меҳнат миграциясига оид материаллар ўрганилди [15]. Нашрнинг қидирув функцияси ёрдамида “мигрант” калит сўзи орқали аниқланган таҳлилга кўра, соҳага оид жами материаллар сони 831 тани ташкил этган. Йиллар кесимида қаралганда, ушбу мавзудаги материаллар сони ўсган: 2023 йилда 168 та, 2024 йилда 300 та (2023 йилга нисбатан + 78,6%), 2025 йилда эса 363 та (2024 йилга нисбатан +21%) материал эълон қилинган. Материалларнинг қарийб ярми 2025 йил ҳиссасига тўғри келади ва бу эса меҳнат миграцияси мавзуси нашрда энг фаол, айнан охириги таҳлил йилида ёритилганини англатади.

Бу эса “Kun.uz” ахборот сиёсатида меҳнат миграцияси мавзуси йилдан-йилга муҳимроқ ўрин эгаллаганини кўрсатади. Бироқ бу ўсишни фақат меҳнат миграцияси жараёнларининг реал кучайиши билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. У, аввало, соҳанинг ОАВ кун тартибидаги аҳамияти ортгани, меҳнат мигрантлари

билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва халқаро воқеаларга медиа эътибор кучайгани билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Фрейминг, яъни мавзунинг қандай маъно доирасида тақдим этилиши бўйича материаллар “муаммо”, “имконият” ва “аралаш” тоифаларига ажратилган. Уч йил давомида 459 та материал муаммо фреймида берилгани меҳнат миграцияси мавзуси кўпроқ хавф-хатар, ҳуқуқий қийинчилик, ноқонуний миграция, ҳимояга муҳтожлик, чет элдаги муаммолар, мигрантлар дуч келадиган тўсиқлар ва назорат масалалари орқали ёритилганини англатади. Аралаш фреймдаги материаллар улушининг сўнгги йилларда ўсгани эса бир вақтнинг ўзида ҳам муаммо, ҳам имконият сифатида талқин қилиш ҳолатлари ортиб бораётганини кўрсатади.

Манбалар таркибида уч йил давомида 703 та материал ёки умумий материалларнинг 84,6 фоизи давлат манбаларига таянгани асосан расмий идоралар, давлат ташкилотлари, вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки расмий ахборот каналлари орқали ёритилганини, таҳлилий, илмий, иқтисодий ёки социологик нуқтаи назардан шарҳлаш имконияти тўлиқ ишга солинмаганини, шахсий ҳикоялар жуда чекланган даражада акс этганини кўрсатади.

Жанрлар бўйича таҳлил меҳнат миграцияси мавзуси асосан тезкор ахборот шаклида (умумий материалларнинг 87,5 фоизи) берилганини, чуқур таҳлил, эксперт мулоҳазаси, интервью ва муаммонинг сабаб-оқибатларини кенг очиб беришга нисбатан янгилик жанри мутлақ устун эканини кўрсатади.

Ушбу тадқиқотда таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Kun.uz” нашрида уч йил давомида меҳнат миграцияси мавзуси миқдор жиҳатдан фаол ёритилган бўлса-да, мазмун жиҳатдан у асосан ҳуқуқий-расмий, муаммога йўналтирилган, салбий тоналликдаги ва янгилик жанридаги дискурс сифатида шаклланган. Иқтисодий имконият, ижтимоий мослашув, инсон тақдири, оилавий муносабатлар, трансмиллий ҳаёт тарзи ёки шахсий муваффақият тарихи сифатида нисбатан кам ёритилган. Аксинча, у кўпроқ ҳуқуқий тартибга солиш,

мигрантлар дуч келаётган муаммолар, расмий баёнотлар ва давлат сиёсати доирасида талқин қилинган.

Россия медиасида эълон қилинаётган материалларнинг Ўзбекистон медиасида шунчаки таржима қилиб эълон қилиниши каби ҳолатларнинг кузатилиши эса, ўзбек тили сегментида ҳам меҳнат мигрантларига нисбатан “уларнинг ўзи айбдор” қарашдаги салбий фикрни пайдо қилиши мумкин.

Меҳнат миграцияси мавзусини ёритишда қўлланилаётган дискурсив стратегиялар ва уларнинг жамоатчилик фикрига таъсирини аниқлаш мақсадида ўтказилган социологик сўровнома натижалари меҳнат миграциясига оид ахборот манбалари, медиа контент сифати ва унинг ижтимоий қабул қилиниши бўйича бир қатор тенденцияларни аниқлаш имконини берди.

Жумладан, “Сиз меҳнат миграциясига оид хабарларни асосан қаердан оласиз?” деган саволга респондентларнинг 51 фоизи маҳаллий интернет нашрларини, 19 фоизи хорижий интернет манбаларини, 25 фоизи эса шахсий алоқалар (танишлар орқали)ни асосий ахборот манбаи сифатида кўрсатган. Ушбу кўрсаткичлар маҳаллий ОАВга нисбатан ишонч даражаси юқори эканини англатади. Бироқ маҳаллий нашрларда эълон қилинаётган материалларнинг муайян қисми хорижий ахборот манбаларидан таржима қилиниши хорижий медианинг жамоатчилик фикрига билвосита таъсири юқори эканини кўрсатади.

ОАВнинг меҳнат миграцияси билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсири масаласида ҳам респондентлар фикри ўрганилди. “ОАВ меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятнинг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?” деган саволга берилган жавобларга кўра, респондентларнинг 47,2 фоизи ОАВ хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаролар ўртасида фирибгарлик ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилишини, 46,1 фоизи масъул ташкилотлар фаолиятини фаоллаштиришни, 42,9 фоизи ноқонуний меҳнат миграциясини камайтириш имкониятига эга эканини таъкидлаган. Шу билан бирга, 27 фоиз иштирокчи ОАВ ривожланган давлатларда ишлаш истагини рағбатлантириши мумкинлигини, 5 фоиз респондент эса медианинг мазкур соҳадаги таъсирини минимал деб баҳолаган. Умуман олганда, натижалар

жамоатчилик ОАВни меҳнат миграцияси жараёнларига таъсир кўрсатувчи муҳим ижтимоий институт сифатида қабул қилаётганини кўрсатади.

Сўровнома доирасида респондентларнинг меҳнат миграциясига оид қайси турдаги ахборотларга кўпроқ қизиқиш билдириши ҳам аниқланди. Натижаларга кўра, иштирокчиларнинг 50 фоизи муаммоли вазиятга дуч келаётган меҳнат мигрантлари ҳақидаги хабарларни, 46,9 фоизи хориждаги бўш иш ўринлари ҳақидаги эълонларни, 34,3 фоизи қонунчиликдаги ўзгаришлар ва расмий учрашувларга оид маълумотларни, 26,6 фоизи хорижда муваффақиятга эришган ватандошлар ҳақидаги материалларни, 15 фоизи эса ҳуқуқий маслаҳатларга оид ахборотларни ўқишини билдирган. Бу ҳолат медиаконтентнинг мавзу жиҳатдан диверсификацияланганини кўрсатса-да, салбий мазмундаги хабарлар улуши юқори эканини ҳам англатади.

Респондентларнинг 83 фоизи ОАВ ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган ахборотлар ўз фикрини ўзгартириши мумкинлигини таъкидлаганини инобатга олганда, салбий характердаги ахборотлар меҳнат миграцияси жараёнлари ва меҳнат мигранти образи ҳақида салбий ижтимоий тасаввур шаклланишига олиб келиши мумкин. Айниқса, меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояга оид хабарлар (57,8 фоиз), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар (51,2 фоиз) ҳамда айрим шахсларнинг шахсий тажриба ва тавсиялари (28,4 фоиз) жамоатчилик фикрини шакллантиришда асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар Интернет ОАВда кенг ёритилмоқда. Хусусан, “Kun.uz” нашри кабиларда хорижий давлатлар билан меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, фуқароларни ташқи меҳнат бозорларига жалб этиш ва янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган келишувлар ҳақида мунтазам хабарлар эълон қилиб борилмоқда. Масалан, “Тошкент вилоятдан Россияга 5 мингдан ортиқ ишчи юборилади” [4], “Татаристон Ўзбекистондан 10 минг меҳнат мигрантини ишга жалб этмоқчи” [5], “Венгрия ўзбекистонлик мигрантлар учун виза бериш тартибини соддалаштириши мумкин” [6], “Ўзбекистонлик

ҳамширалар Британияга ишга жалб этилиши мумкин” [7], “Польша Ўзбекистондан ишчи кучи жалб қилишни бошлайди” [8], “200 мингдан ортиқ фуқаро иқтисодий ривожланган мамлакатларга ишга юборилиши мумкин” [9], “Ўзбекистон Швеция билан миграция йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтиради” [10], “Ўзбекистонликлар АҚШга ишга юборилиши мумкин. Ўртача ойлик – 3500 доллар” [11] каби материалларни келтириш мумкин.

Мазкур материалларни мазмунан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, меҳнат миграцияси мавзуси асосан институционал оптимизм парадигмаси доирасида ёритилади. Яъни ахборотларда давлат органлари ва халқаро ҳамкорлар ўртасида эришилаётган келишувлар, режалаштирилган квоталар, меҳнат мигрантлари учун яратилаётган имкониятлар ва янги меҳнат бозорларига чиқиш истикболлари устувор тарзда акс этирилади. Бундай ёритиш усули ижобий ахборот кун тартибидан шакллантиришга хизмат қилади.

Бироқ, танқидий таҳлил шуни кўрсатадики, мазкур ахборотлар аксарият ҳолларда декларатив характерга эга бўлиб, уларда келишувларнинг амалий ижроси ва натижавийлиги етарлича ёритилмайди. Жумладан, эълон қилинган келишувлар бўйича амалда қанча фуқаро хорижга ишга жўнатилгани, белгиланган квоталарнинг қай даражада ўзлаштирилгани, меҳнат мигрантларининг меҳнат ва ижтимоий ҳимоя шартлари қандай шакллангани, ушбу жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсири қандай бўлгани каби муҳим индикаторлар медиа материалларда тизимли равишда таҳлил қилинмайди.

Мазкур ҳолат “ахборотнинг узлуксизлиги” (continuity of coverage) ва “жамоатчилик назорати” (public watchdog function) тамойилларининг етарли даражада амал қилмаётганини кўрсатади. Ахборотнинг узлуксизлиги тамойилига кўра, ОАВ муайян воқеа ёки сиёсий қарорни фақат эълон қилинган пайтда эмас, балки унинг ижроси, натижалари ва оқибатлари босқичларида ҳам кузатиб бориши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат миграцияси мавзусини ОАВда ёритиш фақат ахборот етказиш жараёни эмас, балки жамоатчилик онгида меҳнат мигранти образини шакллантирувчи муҳим ижтимоий-коммуникатив механизм

ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, медиа дискурда қўлланиладиган фреймлар, сарлавҳалар, манба танлови, лексик бирликлар ва эксперт позициялари меҳнат мигрантларига нисбатан ижобий, салбий ёки бетараф муносабатнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, меҳнат миграцияси мавзусини ёритишда медиа фақат воқеаларни қайд этувчи ахборот воситаси эмас, балки миграция жараёнлари ҳақидаги ижтимоий тасаввурларни шакллантирувчи муҳим институт сифатида намоён бўлади. Шу боис мазкур мавзуда мувозанатли фреймлардан фойдаланиш, салбий умумлаштиришлардан қочиш, мигрантларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояси, иқтисодий ҳиссаси, шахсий тажрибаси ва муваффақият тарихларини кенгроқ ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Бу меҳнат мигранти образини бирёқлама салбий тасаввурлардан халос этиш, жамоатчилик фикрида холис ва инсонпарвар ёндашувни шакллантириш ҳамда миграция сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Иммиграция в Россию: благо или вред? // ВЦИОМ (Мурожаат вақти: 03.01.2026).
2. 81% россиян не испытывают негатива к людям других национальностей // Российская газета (Мурожаат вақти: 03.01.2026).
3. Гулов Р. Миграция глазами русскоязычных медиа: ужесточение негативной риторики про «чужих» // SABAR.asia (Мурожаат вақти: 03.01.2026).
4. Тошкент вилоятидан Россияга 5 мингдан ортиқ ишчи юборилади // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).
5. Татаристон Ўзбекистондан 10 минг меҳнат мигрантини ишга жалб этмоқчи // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).
6. Венгрия ўзбекистонлик мигрантлар учун виза бериш тартибини соддалаштириши мумкин // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).
7. Ўзбекистонлик ҳамширалар Британияга ишга жалб этилиши мумкин // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).

8. Польша Ўзбекистондан ишчи кучи жалб қилишни бошлайди // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).

9. 200 мингдан ортиқ фуқаро иқтисодий ривожланган мамлакатларга ишга юборилиши мумкин // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).

10. Ўзбекистон Швеция билан миграция йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтиради // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).

11. Ўзбекистонликлар АҚШга ишга юборилиши мумкин. Ўртача ойлик – 3500 доллар // Kun.uz (Мурожаат вақти: 06.05.2026).

12. Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази социологик сўровнома материаллари.

13. РИА Новости ахборот материаллари (2020–2024 йиллар).

14. ТАСС ахборот агентлиги материаллари.

15. Kun.uz интернет нашри материаллари (2023–2025 йиллар).